
Ҳар бир эътибор замирида инсон омили мужассам

Ҳар бир эътибор замирида инсон омили мужассам

Вилоятимизнинг ягона анклав тумани – Сухда “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида саховатпеша инсонлар, тадбиркорлар томонидан аҳолининг эҳтиёжманд қатламини моддий қўллаб-қуватлашга доир арзирли ишлар амалга оширилмоқда. Айни рўзаи рамазон кунларида амалга оширилаётган бундай эзшгу иш ва амаллар эҳтиёжманд оилалар, кекса-нуроний отахон ва онахонларнинг қувончига сабаб бўлаётир.

Туманнинг биричи сектори котиби Мирзо Аббосовнинг маълумотига кўра, бугун сектор ҳудудидаги Тул ва Қалъача маҳаллаларида истиқомат қилувчи кам таъминланган оилалар ҳолидан тадбиркорлар иштирокида хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Эҳтиёжманд оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари қаторида пул маблағлари, парранда, қўй, қуён ҳам етказиб берилаяпти.

“Учта фарзандим бор. Турмуш ўртоғим асли устачилик билан шуғулланиб, ҳар йили ишлашга Россияга бориб келарди. Бу йили пандемия сабабли бора олмади. Президентимизга минг раҳмат, уларнинг одилона сиёсати туфайли биз каби фуқаролар ҳолидан доимий хабар олиб туришади. Яқинда туман ҳокими ўзи келиб, бизнинг оилага ҳомийларнинг моддий кўмагини тақдим этган эди. Мен ҳам ўз навбатида уйимиз таъмирталаб бўлиб қолганлиги ва таъмирлашда кўмак лозимлиги ҳақида ҳокимга мурожаат этган эдим. Мана, ики кун ўтмасдан, оиламизга туман ҳокими кўмаги билан таъмирлаш ишлари учун зарурий ашёлар олиб келинди. Мурожаатимни инобатга олиб, дарҳол ёрдам берганликлари учун оиламиз номидан миннатдорчилигимни билдираман” – дейди Тул маҳалласида яшовчи фуқаро, маҳаллага Тожикистондан келин бўлиб тушган Муқаддас Абдуназарова. Туман ҳокими, маҳалла раиси, туман Кенгаши депутати ёрдами билан эндиликда Абдуназаровлар хонадони ҳам замонавий таъмирланадиган бўлди. Таъмирлаш ишларига кетадиган барча харажатлар ташаббускорлар томонидан қопланади.

Ҳимоятхон Қосимова ҳам Тул маҳалласида яшайди. Кексаликка ҳали тан бермаган бўлсаларда, лекин Ҳимоятхон-ая ижтимоий кўмакка мўхтож фуқаролардан. Онахонга апрел ойи учун фойдаланган электр энергияси ва табиий газ учун тўлов қвитанцияси бевосита туман ҳокими томонидан тақдим этилди. Электр ва газ қарздорлигидан қутулган онахонга шоли экиш учун трактор лозимлиги маълум бўлгач, бу масала ҳам туман ҳокимлиги ва туман Кенгаши депутати Ҳамроали Ҳайдаров ёрдамида ҳал этиладиган бўлди.

Айтганимиздек, ижтимоий ҳимояга мўхтож оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари қаторида ёрдам сифатида пул маблағлари ҳам тақдим этилмоқда. Туман ҳокими томонидан Қалъача маҳалласидаги уч нафар фуқароларга 100 000 сўмдан пул маблағлари тақдим этилди.

Туман ҳокими Фаррух Усаровдан жўжаларни хайрия сифатида қабул қилган фуқаро Дилрабо Ҳайдарова ҳам бундай эзгу ташаббус ва кўмаклардан миннатдор. Қалъачалик яна бир оила – Зиёдулло ва Гулбаҳор Ҳабибовларга саховатпеша тадбиркор номидан бир дона қўй ҳадя қилинди. Албатта, бундай эзгу ташаббус ва хайр-саховат амаллар рўйхатини давом эттириш мумкин. Берилаётган бундай эътибор замирида инсон омили мужассам. Зотан, ҳар бир инсон, Ватанимиз ҳавосидан нафас олиб яшаётган ҳар бир одам Ўзбекистон Республикаси фуқаросидир ва улар мана шундай эътибор, эъзоз ва эҳтиромга лойиқ инсонлардир. Биз яхши-ёмон куналарда, синовли дамларда бир-бирига яқин, танч ва суянч бўлган халқмиз. Бу умрбоқий қадриятга содиқлик ва абадиятга мўхрланаяк бу удумни келгуси авлодларга улашмоқ бизнинг инсоний бурчимиздир.

Албатта, бундай эзгу амал ва ташаббуслар бардавомлигига барчамиз ишонамиз. Зотан, ишонч ва эътибор бўлган жойда эртанги кун ва порлоқ келажакга бўлган умид асло сўнмайди.

